

**ФИЗИКА ва  
КИМЁ  
КАФЕДРАСИ**

**2016**

# **ЭЛЕКТРОСТАТИКА**


**15 - маъруза**

**Утказгичларни электр сизими. Электр  
майдон энергияси**

# Маъруза режаси

- **Электростатик майдонда ўтказгичлар.**
- **Ўтказгичларда электр сиғими.**
- **Шар сиғими.**
- **Конденсаторлар.**
- **Турли геометрик конфигурацияли жисмларнинг электр сиғими.**
- **Конденсатор электр майдонининг энергияси.**
- **Зарядланган ўтказгичлар тизими энергияси.**
- **Электр майдон энергияси зичлиги.**

# Электростатик майдонда ўтказгичлар




# Электростатик майдонда ўтказгичлар

Ўтказгичларда эркин зарядлар  $E_0$  ташқи электр майдон таъсирида кўчадилар ва вақт ўтиши билан  $E$  компенсациялайдиган ташқи майдон хосил қиладилар. Шу сабабли, ўтказгичлар ичида электр майдон кучланганлиги нолга тенг бўлади.

$$\vec{E} = \vec{E}_0 + \vec{E}' = 0$$

$$\vec{E} = 0 \Rightarrow d\varphi = 0 \Rightarrow \varphi = const$$

Яъни ўтказгичнинг бутун ҳажми эквипотенциал соҳадан иборат бўлади.



# Ўтказгичларда электр сиғими

**Ўтказгичнинг электр сиғими  $C$  деб ўтказгич зарядини ( $q$ ) унинг потенциалига нисбатига тенг физик катталиқка айтилади.**

$$C = \frac{q}{\varphi}$$

Яккаланган ўтказгичнинг **электр сиғими** деб, унинг потенциални бир бирликка ўзгартириш учун зарур бўлган зарядга миқдор жиҳатидан тенг физик катталиқка айтилади.

**Электр сиғими бирлиги** – фарада ( $\Phi$ ):  $1\Phi$  – яккаланган ўтказгичга  $1\text{Кл}$  заряд узатилганда, унинг потенциални  $1\text{В}$  га ўзгартирган сиғимдир.

**Яккаланган шарнинг электр сиғими**

$$C = 4\pi\varepsilon_0 \varepsilon R$$

# Конденсаторлар

*Конденсатор* иккита параллел ўтказгич қатлампдан иборат бўлиб, уларда қарама-қарши ишорали зарядлар тўпланади.

Қопламалар орасида диэлектрик модда бўлади.


**Конденсатор сиғими** – конденсаторда йиғилган  $q$  заряднинг қопламалар орасидаги потенциаллар фарқига нисбатига тенг бўлган физик катталиқдир:

$$C = \frac{q}{\Delta\varphi}$$




## Ясси конденсаторнинг сиғими

$$C = \frac{q}{\Delta\varphi} = \frac{\varepsilon_0 \varepsilon S}{d}$$



## Сферик конденсаторнинг сиғими


$$C = 4\pi\varepsilon_0\varepsilon \frac{r_1 r_2}{r_2 - r_1}$$



сферический конденсатор

## Цилиндрик конденсаторнинг сиғими

$$C = \frac{2\pi\varepsilon_0\varepsilon l}{\ln \frac{r_2}{r_1}}$$



цилиндрический конденсатор

# Ясси конденсаторнинг сиғими

**Ясси конденсатор**, юзалари  $S$ , ораларидаги масофа  $d$  бўлган, вакуумдаги, иккита параллел пластиналардан ташкил топган. Пластиналар орасидаги майдон биржинслидир.


$$E = \frac{\sigma}{\varepsilon_0} = \frac{q}{\varepsilon_0 S} = \text{const}$$

$$\varphi_1 - \varphi_2 = \int_0^d E dx = \int_0^d \frac{q}{\varepsilon \varepsilon_0 S} dx = \frac{q}{\varepsilon \varepsilon_0 S} \int_0^d dx = \frac{qx}{\varepsilon \varepsilon_0 S} \Big|_0^d = \frac{qd}{\varepsilon \varepsilon_0 S} \equiv \frac{q}{C}$$

$$C = \frac{q}{\Delta\varphi} = \frac{\varepsilon_0 \varepsilon S}{d}$$

- 1) қопламалар орасидаги масофа, яъни электр майдони камайганда конденсатор сиғими ортади;
- 2) қопламалар орасига катта сингдиувчан бўлган диэлектрик муҳит жойлаштирилса конденсаторнинг сиғими ортади.

## Конденсаторларни кетма-кет улаш



- Қопламалардаги электр зарядлари миқдор жиҳатдан бир-бирларига тенгдир.

$$q = q_1 = q_2 = q_3 = \dots q_n = \text{const}$$

- Тизимга қўйилган  $U$  кучланиш алоҳида конденсаторлар орасида тақсимланади

$$U = U_1 + U_2 + U_3 + \dots U_n$$

- Натижавий сиғим

$$\frac{1}{C} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2} + \dots + \frac{1}{C_n} \qquad \frac{1}{C} = \sum_{i=1}^n \frac{1}{C_i}$$

# Конденсаторларни параллел улаш

- Конденсатор пластиналари орасидаги кучланиш **A** ва **B** нуқталар потенциаллар фарқига тенг, шу сабабли


$$U_1 = U_2 = \dots U_n = U = \varphi_A - \varphi_B$$

- Параллел уланган конденсаторлар тизимининг заряди ҳар битта конденсатор зарядлари йиғиндисига тенг.

$$q = q_1 + q_2 + \dots + q_n$$

- Параллел уланганда сиғимлар қўшилади

$$C = C_1 + C_2 + \dots + C_n$$



# Зарядланган конденсаторнинг энергияси

Манфий зарядланган қопламадан мусбат зарядланган қопламага мусбат заряд кўчирилганда электростатик майдон кучи қаршилигига нисбатан иш бажарилади

$$dA = \Delta\varphi dq = \frac{q dq}{C}$$

Конденсатор заряди 0 дан  $q$  гача ортганда ташқи кучлар бажарган иш

$$A = \int_0^q \frac{q dq}{C} = \frac{q^2}{2C}$$

## Зарядланган конденсаторнинг энергияси

$$W = \frac{q^2}{2C} = \frac{C(\varphi_1 - \varphi_2)^2}{2} = \frac{q\Delta\varphi}{2}$$

**- Конденсатор энергияси – электр майдонининг конденсаторда йиғилган энергиясидир.**

# Зарядланган конденсаторнинг энергияси

Зарядланган ясси конденсатор энергиясини майдон кучланганлиги орқали ифодалаймиз.

Сиғим ва кучланишни ифодалаймиз:

$$C = \varepsilon\varepsilon_0 \frac{S}{d} \quad U = \varphi_1 - \varphi_2 = \int_0^d E \cdot dx = Ed$$

Натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$W = \frac{1}{2} CU^2 = \frac{1}{2} \cdot \frac{\varepsilon\varepsilon_0 S}{d} (Ed)^2 = \frac{\varepsilon\varepsilon_0 E^2}{2} Sd = \frac{\varepsilon\varepsilon_0 E^2}{2} V$$

**Электростатик майдон энергияси зичлиги**

$$w = \frac{W}{V} = \frac{1}{2} \varepsilon\varepsilon_0 E^2 = \frac{1}{2} ED$$

$$[w] = \left[ \frac{\text{Дж}}{\text{м}^3} \right]$$

# Электростатик майдон энергияси

*Исталган зарядланган қўзғалмас жисмлар тизимининг электр энергияси умумий ҳолда*

$$W = \frac{1}{2} \int_S \varphi \sigma dS + \frac{1}{2} \int_V \varphi \rho dV$$

$$\sigma = \frac{q}{S}, \rho = \frac{q}{V}$$

- эркин зарядларнинг сиртий ва ҳажмий зичликлари

$\varphi$  - тизимнинг зарядланган сирт ва ҳажмлари  $dS$  ва  $dV$  кичик элементлари нуқталаридаги барча эркин ва боғланган зарядларнинг натижавий майдон потенциали.

# Фойдаланилган адабиётлар

- Glencoe Science Physics. “principles and problems” 2012
- Halliday Resnick “Fundamentals of Physics” 2012
- Абдурахманов К.П., Эгамов У. Физика курси , 2011 й.
- Огурцов Н.А. Курс лекций по физике, Харьков, 2007.
- Колмаков Ю.Н. Курс лекций по физике, Тула, 2002.
- Оплачко Т.М., Турсунметов К,А. Физика, Ташкент, 2007
- <http://phet.colorado.edu/>
- <http://www.falstad.com/mathphysics.html>
- <http://www.quantumatoms.co.uk/download.htm>
- <http://school-collection.edu.ru>

# Таълим сайтлари ва Интернет ресурслари

1. [Yenka.com](http://Yenka.com)
2. <http://phet.colorado.edu/>
3. <http://www.falstad.com/mathphysics.html>
4. <http://www.quantumatmica.co.uk/download.htm>
5. <http://school-collection.edu.ru>